

БУРГУТ ТОҒДА УЛҒАЯДИ

Учинчи қисм

Газетада «Бургут тоғда улғаяди» асарининг биринчи ва иккинчи қисмлари эълон қилинган, ўтган вақт мобайнида таҳририятимизга кўплаб мактублар келди. Аксарият мухлислар асар қаҳрамонларининг кейинги ҳаёти билан қизиқишаётганини ёзишганди. Муаллиф сиз азиз мухлисларнинг талаб ва истакларингизни инобатга олган ҳолда, қаҳрамонларнинг кейинги ҳаёти, қалб кечинмалари ва орзу-истакларини ўрганиб, асарнинг давомини ёзишга қарор қилди.

Қадри мухлислар! Бугун эътиборингизга «Бургут тоғда улғаяди» асарининг учинчи қисмини тақдим этяпмиз. Умид қиламизки, қаҳрамонларнинг янги-янги саргузаштлари, кутилмаган тўқнашувлар ва уларнинг ҳаётий ечимлари сизларни бефарқ қолдирмайди.

ТАҲРИРИЯТ

* * *

Улар зилол суви майда тошчаларга урилиб, жимирлаб оқаётган жилға ёнида тўхташди.

— Дада, — Достонга жавдираб қаради Фирдавс, — сув ичгим келяпти. Чанқаб кетдим.

Достон кулимсираб, болакайнинг бошини силади. Кафти иссиқлик туйди.

— Ўғлим, бошинг оғримаяптими? — деди хавотирланиб.

— Йўқ, дада. Лекин роса чанқадим. Манави сувдан ичсам майлими?

— Майли, ич. Мен ҳам чанқадим. Оёғимдаям дармон қолмади. Ўзи сени бекор опкелибман. Бошингдан иссиқ ўтиб кетди. Ҳали бувингдан балога қолмасам гўргайди, — деди Достон ўглининг кўкрагини ерга босиб, лабини жилғага ботириб сув ичишини томоша қиларкан. «Бузоқчага ўхшайди, умрингдан барака топгур. Ишқилиб, мен, ота-онанг кўрганларини сен кўрмагин. Оддий одам бўлсанг ҳам, ҳалол, покиза яша. Қўлингни қонга ботирма. Бахтли умр кечир», хаёлидан ўтказди ва бирдан кўз олдига Фаррух

келди. Кўзлари бургутларникидай ўткир, бургутдай қудратли, бургутдай жиддий одам гавдаланди. «Йўқ, Фирдавс унга ўхшамайди. Унинг ишини давом этказмайди. У олим бўлади», деган хаёлда жилғага тикилиб қолди.

Чанқоғи қонган Фирдавс ўрнидан туриб, отасига юзланди:

— Дада, мен ичиб бўлдим.

Достон чўчиб тушди. Кейин ўғлига қараб жилмайди.

— Яхши, энди мен ҳам ичаман.

У ҳам худди Фирдавс каби кўксини ерга босди. Тумшугини сувга тиқиб, култ- култ ютинди. Муздай ажиб бир таъмини туйди.

— Дада!.. Дада, қаранг, — деб қичқириб юборди Фирдавс, — осмонда жуда катта қуш учиб юрибди.

Достон бошини кўтариб, ўрнидан турди. Сўнг Фирдавс кўрсатган томонда, кўкда парвоз қилаётган бургутни кўрди.

— Қанақа қуш у? — сўради Фирдавс осмондан кўзини узмай.

— Уми? У бургут, ўғлим.

— Жудаям баландда учаркан-а?!

— Ҳа, баланд учади. У мағрур қуш. У ана шу баландда туриб, ерда юрган қумурсқаниям кўролади.

— Зўр экан-а, дада?

— Ҳа, зўр, — дея Фирдавсга юзланган Достон эндигина олти ёшни қаршилаётган болакайнинг кўзидаги ўтни кўрди. Бир қалқиб тушди. Ҳатто эти жимирлаб кетди. Қачонлардир Фаррухни кўрганида ҳам шундай бўлганди. Юрагини ҳаяжон босиб, кўрқувни ҳис этувди. Ҳатто бир неча оний дақиқалар ичида ўзини тобедай сезувди ўшанда. Ҳозир ҳам шуни туйди. Бирдан қони қайнади. Боягина меҳр билан боққан кўзларида ғазаб, алам учқунлари пайдо бўлди. Юрмасдан, югурмасдан, манави шағал тошлари сочилиб ётган, ўтлари тизза бўйи келадиган, буталари мева туккан тоғнинг устига чиқмай туриб, ҳансирай бошлади. «Мен бу ерда бегонаман. Бу ер Фаррухники, манави боляям, бургутлару жилға... ҳамма-ҳамма нарса уники, — ўйлади у, — жўжа улғаймай туриб, суробини тўғрилаш керак. Онаси... онаси ҳеч нарсани билмайди. У онгсиз... Ўзига келиб сўраса, боласи ўлганини айтаман. Кейин у менга ўғил туғиб беради. Ўзимга ўхшаган, баланд бўйли, елкалари кенг, бир

сўзли... Нималар деяпсан, номард?! Туллак! Қасамхўр ўғил туғадими?! Тўхта, Достон! Ўзингни бос, бола, нималарни ўйлаяпсан? Моҳирўйга бўлган муҳаббатинг шуми, севишинг шуми?.. Ич-ичингдан Фаррухнинг руҳига ваъда берувдинг-ку. Ярамас, ит, махлуқ! Юз метр наридаги жарликка ўзингни от! Бошинг билан харсанг тош устига қулаб, минг бўлакка бўлиниб кет! Шуюм кам сен маразга! Мушт-дайгина болачани ўлдирмоқчи бўлдинг-а?»

Фирдавс нигоҳини бир зум бўлсин, бургутдан узмас, кўкка тикилиб, қотиб қолганди.

— Нима қилаяпсан, ўғлим?! — деди кўнглида болакайга нисбатан ўзгача меҳр уйғонган Достон энгашиб уни қучоқларкан.

— Дада, ўша бургут-чи, менга қараётганга ўхшайди. Чу-молиларни кўраётган бўлса, мениям кўраяпти-я, дадажон! — деди завқ билан Фирдавс.

— Кўраяпти, ўғлим. Катта бўлсанг, сен ҳам мендай зўр бўласан, бургут бўласан, деяпти.

— Мениям қанотларим чиқадими, мен ҳам учаманми?! — деди Фирдавс беғубор соддалик билан.

— Йўқ, сен ердаги бургут бўласан, арслон бўласан... Шошма, нималар деяпман ўзи? Мен сени ўқитаман. Катта олим бўласан. Ҳамма сенга ҳавас билан қарайди, болам, — деди Достон.

Шундай деди-ю, кўзидан тирқираб ёш оқиб кетди. Фирдавс кўрмасин деб, қадини ростлади-да, кўзидаги ёшни шоша-пиша артди. Бироқ болакай аллақачон кўришга улгурган эди. Онасиникига ўхшаган киприкларини пирпиратиб:

— Нега йиғладингиз, дада? — деб сўради.

— Йиғламадим, болам, кўзимга нимадир кириб кетди.

— Алдаяпсиз, алдаяпсиз. Иккала кўзингизгаям бирдан кириб кетмайди, — деди Фирдавс шўхлик билан қиқирлаб куларкан. — Ҳали уйга борганимизда, йиғлаганингизни бувижонимга айтиб бераман.

Достон ҳам унга қўшилиб кулди. Сўнг боласининг бошини силаб:

— Сотқинлик қиласанми? Ўғил болалар сотқин бўлишмайди, — деди ўзини хафа бўлгандек кўрсатиб.

— Ҳазиллашдим. Ҳеч кимга айтмайман. Ўзингиз ўғил бола

йиғламайди, дейсиз-ку... Мен ҳам сизнинг йиғлашингизни истамайман. Ана, тоғдан тушаётганимизда, йиқилиб тушдим, кўлимга тикон кириб кетди. Лекин йиғламадим.

— Маладес, энди кўп маҳмадоналик қилма. Кўйларимиз нариги сойда қолган. Бирон ёққа кетиб қолса, роса қидирамиз. Кетдик.

Улар тоққа чиқа бошлашди. Тоғ анча ётиқ, ясси эди. Икки йилдан бери тоғма-тоғ кезавериб, оёқчалари чайирлашган, кўзи пишган Фирдавс учун бундай жойларга чиқиш унчалик қийин эмасди. Ҳатто баъзи қияликларга Достондан аввал югуриб чиқиб кетарди. Ҳозир эса ортада қолди. Бунинг устига, кўм-кўк ўтга сирпаниб, икки-уч марта йиқилди. Олдинда кетаётган дадасини чақирмай, бурнини тортиб кўйиб, юришда давом этди. Аммо тезда чарчади. Бўртиб турган тош устига ўтириб олди-да, тобора узоқлашиб кетаётган отасининг орқасидан ола қараб кўйди.

— Билсанг, ўғлим, бу тоғу тошлар жуда кўп нарсаларни кўрган. Бу ерларда бўрилар, айиқлар, кийиклар яшаган. Одамлар, — дея Достон юришдан тўхтаб, ортига ўтирилди-ю, қотиб қолди. Чунки Фирдавс йўқ эди. Достоннинг жон-пони чиқиб кетди.

— Фирдавс! — дея бақирди бор овозда. — Фирдавс! — Достон ортига қараб югуриб кетди. Хаш-паш дегунча ўғли ўтирган жойга етиб келди.

— Эшак, нега гинг этмайсан, юрагимни ёрдинг-ку! — деб бақирди у пешонаси тиришиб, кўзи косасидан чиққудек чақчайиб.

— Ўзингиз... ўзингиз, — дея пиқ-пиқ йиғлай бошлади отасининг вазоҳатидан кўрқиб кетган болакай, — мени ташлаб кетдингиз-ку.

Достон дами чиққан пуфакдай бўшашиб, Фирдавснинг ёнига ўтирди ва ўғлини кучоқлаб, хаста товушда гап бошлади:

— Орқамдан келаяпсан деб ўйлабман. Кейин қарасам, йўқсан, ўтлар орасида кўринмаётган экансан-да, майли, хафа бўлма, боя ўзинг айтдинг-ку, эркалар йиғламайди, деб. Бўлмаса, мен ҳам сени бувингга айтиб бераман.

Фирдавс бошини кўтариб, дадасига қаради. Юзида табассум пайдо бўлди.

— Ана биру бир бўлди. Сен мени сотсанг, бувингга мен

ҳам сени сотаман, — дея Достон ўрнидан турди-да, кўнглидаги гашлик тарқаб, ўғлига қўл узатди. — Кел, сени орқамга опичлаб оламан.

Қўйлар ҳам секин-аста ақлли бўлиб қолишаркан. Тўрт ойдирки, туш маҳали Достон қўйларини жилғанинг сўл тарафидаги қир ортида, сойлик ўртасида шохлари тарвақайлаган баланд ёнғоқ остида тўплайди. Қўйлар кун тафти сусайгунча шу сояда ётишади. Достоннинг ўзи ҳам белбоғини ёзиб, дастурхон қилади. Эшагининг хуржунидан нон, пиёз, бир чимдим яхна гўшт, шишада сув олиб, дастурхон устига қўяди ва ўғли билан бирга маза қилиб овқатланишади. Сўнг ухлашади. Бу пайтда тўрт ёшли олапар соқчиликни бўйнига олади.

Кундузги уйқудан кейин таналарига яна қувват энган ота-бола кечгача қўй боқишди. Шафақ қизара бошлагач, Достон элликдан зиёдроқ қўйларини бир жойга йиғиб, қишлоққа ҳайдади. Достон тоғ ичкарасидаги узоғи билан йигирма хўжалик яшайдиган Тугмасой қишлоғига келган йили бор пулига ўнта қўй сотиб олганди. Мана, йиллар ўтиб, элликдан ошди. Ҳалиям Достон бир-иккисини сотди. Саккиз-тўққизтасини сўйди. Бўлмаса, етмишнинг тагига бориб қоларди.

Кунни билан еб, юриб толиққан қўйлар қишлоқнинг энг чеккасидаги, пастқамгина деворлари тоғ тошларидан бўлган ҳовлининг кун ботаридаги қўрага киришгач, Достон эшакдан тушиб, ўғлини ҳам ерга олди-да, жониворнинг эгарини ечиб, ўзини қўйлар орасига қўшиб юборди ва қўра эшигини ёпди.

Фирдавс эшакдан тушган заҳоти уйга югурди. Ичкарида жондан ортиқ кўрадигани бувиси ва шу кунгача ҳали бир оғиз ҳам гапирмаган ойиси ўтирарди. Ўғли билан набираси келганини деразадан кўрган кампир дарров урчуғини айлантиришдан тўхтаб, инқиллаб-синқиллаб ўрнидан турди. Ўтираверганидан увушиб қолган белини уқалади-да, урчуғини ипи билан бирга токчага қўйиб, тахмондаги кўрпани олди. Уни ерга тўшашга улгурмасидан, эшик очилди.

— Бувижон, — бақирди Фирдавс одатдагидай шўх овозда, — биз келдик.

У чопқиллаб келиб, бувисини кучоқлаб олди. Кампир одатдагидай эгилиб, болакайнинг иккала юзидан чўлпил-

латиб ўпиб қўйди. Фирдавс кампирнинг кучоғидан чиқиб, уй тўрида бир нуқтага термилиб ўтирган Моҳирўйнинг ёнига бориб, чўккалади-да, уни кучоқлади.

— Ойи, биз-чи, қўйларнинг қорнини роса тўйғазиб келдик. Дадам-чи, иккита совлиғимиз уйга боргунча туғиб қўймасайди, деб қўрқди... Ойи, нега гапирмайсиз? Ҳамма гапиради, мен, бувим, дадам, ҳаммамиз. Фақат сиз гапирмайсиз, ойижон. Гапларимни эшитмаяпсизми? Нега шунақасиз? — деб Моҳирўйнинг юзига термилиб қаради у.

— Фирдавс, болам, ойингни безовта қилма, — деди кампир одатдагидай, — менга қарашиб юбор. Даданг ҳам чарчаб келганга ўхшайди. Дастурхонни тоқчадан олиб, манави ерга ёз... Ҳа, шошма, аввал яхшилаб ювиниб келчи.

Бу гаплар ҳар куни айтилади. Кампирнинг бисотида бошқа сўз йўқдай, гўё фақат шу сўзларнигина ёд олгандай. Ювиниш масаласи кўндаланг қўйилиши билан Фирдавс ҳам одати бўйича:

— Уфф, — дейди қовоғини уйиб, сўнг оёғини судраб босиб, ташқарига чиқиб кетади.

Бу уйнинг одамлари ярим кечагача бедор ўтиришмайди. Аввал Фирдавс ухлаб қолади. Кейин ўғли билан Фирдавснинг уйда эканидан кўнгли тўқ кампир пинакка кетади. Достон икки марта ярим кечада келган. Қўйларидан учтаси йўқолиб қолганди ўшанда. Кампир дераза ёнига кўрпача солиб, ташқарига термилганча ўғлини кутган, аксига олиб, чироқ ҳам ўчиб қолганди, бундан кампирнинг кўнгли баттар зулматга айланган эди.

Кафтини юзига қўйиб, бир маромда нафас олганча ухлаётган Фирдавсни томоша қилиб ўтирган кампир ўғлига юзланди.

— Болам, қачонгача шундай юрмоқчисан? — дея сўради у ҳар доимгидай.

Достон бошини кўтарди. Моҳирўйга юзланди. Бурчакда бир нуқтага термилиб ўтирган жувоннинг юзида ним табассум бор эди. Табассумки, одамнинг юрагини ўйнатиб юборади. Борибоқ бағринга босгинг, юзининг табассумли жойидан бўса олгинг келади. Достон чуқур хўрсинди.

— Ойи, бир куни ўзига келиб қолар, дўхтир айтган-ку,

бунинг давоси вақт, деб, — деди.

— Ўғлим, ўша дўхтирнинг айтганигаям беш йилдан ошди. Тузалса тузаларди-да, шу пайтгача. Бекорга умрингни хазон қиляпсан. Қиз бола бўлгандаям, майли эди. Эр кўрган жувон бўлса...

— Ойи, Фирдавсни яхши кўрмайсизми? — дея онасининг гапини бўлди Достон.

Кампир пишиллаб ухлаётган гўдакка қаради. Унинг ҳар куни тонгда: «Бувижон, биз кетаяпмиз, сиз ҳечам кўрқманг. Қўйларимизнинг қорнини тўйдирамиз-у, дарров қайтиб келамиз», дея бувисининг ажин босган юзидан чўлпиллатиб ўпиб қўйиши, кечқурун қайтганида, шўх-шодон қий-қириши, кўрганларини бидиллаб гапириб бериши кўз ўнгидан ўтди. Кампир бу болакайга ўрганиб қолди. Энди уни бир кун кўрмаса туролмайди.

— Яхши кўраман, — деди кампир мунгли товушда, — лекин болам, Фирдавсга ўзим қарайман. Сен битта жувоннинг бетига термилиб, умрингни ўтказма.

— Ойи, бир одамга ваъда берганман. Унинг хотини билан боласини кўз қорачиғидай асрашим керак, бўлмаса, ўлган одам гўрида тик туради, — деди Достон бошини эгиб.

— Ўзинг-чи?.. Бева хотинни деб, умрингни ўтказмоқчимисан?

— Моҳирўй тузалса...

— Тузалмаса-чи. Ҳой бола, кўзингни оч, бўлди, ҳаммаси халқумимга келди. Бунақаларга қарайдиган балниса бор, шу ерга обориб ташла. Эрталаб ҳожатга оборасан, кейин бетини ювиб қўясан, пешинда мен овқатлантириб қўяман. Кечқурун яна сен. Бу нима деган гап? Инсофинг борми ўзи?! Ҳеч вақт эркак киши аёлнинг авратини тозалаб қўядими?!

Достон ток ургандай илкис бошини кўтарди. Унинг юзи қизарган, сўл қоши учаётганди. Чиндан ҳам у ойиси айтган ҳамма нарсани бажарарди. Айнан шунинг учун ҳам никоҳ ўқитиб қўйганди. Номаҳрам бўлиб қолмасин, деган мақсадда. Лекин кампир шу кунгача бирор марта бўлсин, бетига солмаган.

Ўғил сапчиб ўрнидан турди. Онасига бир сўз демай, ташқарига чиқиб, узумдай осилиб турган юлдузларга боқди.

Ўксинди. Чўнтагини ковлаштириб, кадисини олиб, каф- тига нос тўкди. Сўнг уни тилининг тагига ташлаб, деворга суянди. Орадан беш, ўн, ўн беш дақиқа ўтди. Тоза ҳаво, майин шабада кўнглидаги губорни бир мунча аритгандай бўлди. Илгарилари бундай пайтда у сира ўзини босиб олол- мас, уйга қамалиб олиб, маст бўлиб думалаб қолгунча ичарди...

Моҳирўйни биринчи марта уйига олиб борганда, онаси шунақанги жанжал қилгандики, гаплари Достоннинг суяк- суягидан ўтиб кетганди.

— Сен санқи, бемаза болаларни дўст тутиб, отангнинг бошига етдинг! Энди уйимга умрини ҳаром-ҳаришда ўтказ- ган жувонни боласи билан етаклаб келдингми?! Ҳозироқ кўзимдан йўқот! Агар йўқотмасанг, берган сутим ҳаром бўлсин! — дея титраб қаргаганди.

Достон ўзини тутолмай қолди. Кўз олдини қалин туман қоплади. Югуриб хонасига кирди. Эшикни ичкаридан қулф- лаб, ўзини осмоқчи бўлиб, камарини ечди. Шунда эшик ортидан онасининг овози эшитилди.

— Болам! — дея ингради онаси. — Бу ёққа чиқ, ўзингни бос. Гаплашиб олайлик, болам! Сен менинг суянчиғим- сан!

— Ойи, укамдан сўрасангиз, Миразиз деган ўртоғим- нинг телефон номерини беради. Яхши бола. Милисада ишлайди. Айтинг, келиб Моҳирўйни олиб кетсин. Боласи- ниям. Менинг уйимга сиғмаган қиз уникига сиғади, — деди онасига жавобан Достон ва полга оёқларини чалиштириб ўтирди.

— Қўй, болам, ундай гапларни гапирма, эшикни оч. Отанг ҳаққи-ҳурмати, оч, болам, — дея ёлворди она.

Достоннинг кўз ўнгида отаси гавдаланди. Эгнига эски чопон кийган, пешонасини ажин босган, қарашлари мун- гли, қадди букилган отаси.

— Ота, мени кечиринг. Мени кечиринг, отажон! Сизга муносиб фарзанд бўлолмадим. Сизга ташвишдан бошқа нарса келтирмадим. Умрингизга зомин бўлдим, отажон, мени кечиринг! Қанийди ҳозир тирик бўлсангиз, қанийди мени ўз қўлларингиз билан бўғиб ўлдирсангиз! Шунда гу- ноҳларимнинг озгинасидан бўлсаям қутулардим, отажон! — дея пичирлади у.

— Болам, ўғлим... — она ортиқ сўзлай олмади. Ташқаридан Суҳробнинг:

— Ойи! Ойижон, сизга нима бўлди?! — деган овози келди.

Достоннинг юраги ёрилиб кетай деди. У шоша-пиша зулфакни тушириб, қарсиллатиб эшикни очди. Онасининг полга ўтириб қолганини, ранги докадай оқариб кетганини кўрди.

— Ойи! — деб бақириб юборди ва онасини қучоқлаб, хўнг-хўнг йиғлади.

Суҳроб ташқарига чиқиб, кўз очиб юмгунча челақда сув олиб келди. Бунгача Достоннинг опаси билан синглиси келган, улар ҳам дув-дув йиғлашарди.

Ҳартугул, она ўзига келиб, озгина сув ичгач:

— Болам, — деди Достонга юзланиб, — майли, қолсин.

Гап нимада эканлигини ҳамма биларди, шу боисдан опа укасига ўқрайиб қаради. Сингил ҳам акасига алам билан тикилди. Суҳроб тишини тишига босиб, қўлини мушт қилди. Лекин ҳеч бири лом-мим демади. Онанинг бутунлай ўзидан кетиб қолишидан чўчишди.

Кечга бориб, аёлнинг аҳволи анча яхшиланди. Шунгача Достон уйига кирмади. Ҳовлида у ёқдан бу ёққа ивирсиб юраверди.

— Агар ойимларга бир нима бўлса, биз сени кечирмай-миз, — деди паст овозда Мафтуна бошини ҳам қилиб ўтирган укасининг ёнига келиб.

Достон опасига ўқрайиб қараб қўйди. Бироқ гапиришга забони йўқ эди унинг.

Кечқурун онаси Достонни ёнига чақирди. Йигитнинг боши эгик эди. У куни билан ўй сурди. Куни бўйи азобланди. Лекин қани энди бир тузукроқ фикр келса. Қани бу чигал вазиятга осонгина ечим топса. Йўқ. Ҳамма йўлнинг боши берк. Моҳирўйни бирон жойга олиб кетолмайди. Чунки унга қаровчи керак. Бунинг устига, чақалоқ ҳам бор.

— Болам, ақл-хушингни йиғиб ол. Мен сенга манави телбасифат жувонни оберишим мумкин. Фақат кейин ўзинг афсусланасан. Иккинчи томондан сенга рўпара келадиган хор-зорликкаям тайёр тур. Яна бошқа бир томони, касал бечорани қийнама. Яхшиси, дўхтирга олиб бор. Улар вақт-бевақт ҳолидан хабар олишади. Дори-порисини бериб ту-

ришади. Ўғлини эса болалар уйига топшир. Опангни узатганимизгаям анча бўлган. Ўзини иккита норасидаси бор. Синглингниям ҳали замон турмушга берамиз. Укангдан умид қилмасаям бўлади. Мен ярим жонман. Чақалоққа қарайдиган аҳволдамасман, — деди она мунгли кўзларини боласига тикиб.

— Ойи, мен бир ўйлаб кўрай, бирорта чораси чиқиб қолса ажабмас, — деди-ю, Достон ҳовлига чиқди. Сигарет тутатиб, бояги тахлит у ёқдан бу ёққа юрди. Кейин Моҳирўй ўтирган хонага кирди. Унинг ёнида синглиси чақалоқни ўйнатиб ўтирганди. Моҳирўй эса бир нуқтадан кўз узмас, гўё жонсиз ҳайкалдек қотиб қолганди.

Достон хонада кўп ўтиролмади, аввал ҳовлига, кейин кўчага чиқиб кетди. Тўғри дўконга борди. Икки шиша ароқ сотиб олди ва уйига келиб хонасига беркинди-да, чордона қуриб ўтирганча ароқ ичди. Аввал биринчи шиша бўшади. Кейин иккинчисидан ҳам бир пиёла ичилди. Қолганига Достоннинг кучи етмади. Маст бўлиб, гурсиллаб ёнига қулади ва шу алпозда ухлаб қолди. Шу кўйи эртасига тушгача донг қотиб ётди. Уйғонса, кимдир устига кўрпа ёпиб кетибди. Яна ёнида бир коса чой турибди. Боши гувиллаб айланаяпти. Оғзи ачиб, қўланса ҳид келаяпти. Шу боис чойни ичолмади.

Ювиниб-тараниб, ошхонага кирса, укаси ўтирибди. Достонни кўрди-ю, еб қўйгудек тикилди. Қани энди қўлида тўппончаси бўлса-ю, акалигига ҳам қарамай, пақ-пуқ отиб ташласа. Унинг қовоқ-тумшуғини кўрган Достон лом-мим демай, ўзига совиб қолган чойдан қуйди.

— Ойимни балнисага ётқизиб келдим, — деди Сухроб хўмрайиб.

— Нега ётқизасан? — сўради ҳайрон бўлган Достон.

Шунда Сухроб унга яна бир бор нафрат билан қараб қуйди.

— Эрталаб яна мазалари бўлмади. Сиз бўлсангиз, шишиб ухлаётгандингиз...

— Ёнларида ким қолди? — сўради Достон укасининг қовоқ-тумшуғига эътибор бермасликка ҳаракат қилиб.

— Опамлар. Иффатой сизнинг хотинчангиз билан ўғилчангизга қараб ўтирибди. Бечора синглим уй қамоғида энди...



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/811> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/811> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную
версию можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/811>